

(Нур сураси, 40-оят).

Мазкур оят тўлқинлар остки ва усткига бўлинишига далолат қилади. Бу ҳақда Карсон исмли денгизчи олим ўзининг китобида шундай дейди: «Океандаги тўлқинларнинг энг кучлиси ва хавфлиси кўринмайдигани, денгиз қаърида бўладиганидир».

Кўп йиллардан бери Шимолий денгизга сафар қиладиган кемалар йўлни жуда қийинчилик билан босиб ўтар эди. Энди маълум бўлишича, бунга ана шу остки тўлқин қаршилиқ қилар экан.

1900 йилнинг бошларида скандинавиялик денгизчилар денгизнинг остида ҳам тўлқин борлигига кишилар эътиборини тортдилар. Ҳозирги кунда уларнинг қаердан келиб чиқиши номаълум бўлса-да, борлиги ва кенг тарқалганлиги ҳаммага аён. Бу тўлқинлар баъзан сувости кемаларини йўлдан суриб юборади.

Қуръон ояти эса бу нарсаларни неча асрлар бурун айтиб ўтган. Яна шуни айтиш керакки, Қуръон нозил бўлган жой – Муҳаммад алайҳиссалом туғилиб ўсган ерларда бундай воқеалар юз бермайди. Чунки у ерда океан ва улкан денгизлар бўлмаган, умуман, денгизчилик тўғрисида тасаввур ҳам йўқ эди.

«Қуръон ва суннатдаги илмий мўъжизалар» китобидан